

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХИДИРОВ НОДИР ҒИЁСАЛИЕВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Хидиров Нодир Гиёсалиевич

Саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини
такомиллаштириш.....3

Хидиров Нодир Гиёсалиевич

Совершенствование механизма финансирования инвестиционной
деятельности на промышленных предприятиях.....27

Khidirov Nodir Giyosalievich

Improving the mechanism of financing investment activities at industrial
enterprises.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХИДИРОВ НОДИР ҒИЁСАЛИЕВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt726 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Атаниязов Жасурбек Ҳамидович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилов Алишер Агзамович
иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иктисодиёт университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 12 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (241 ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 12 куни таркатилди.
(2021 йил «15» 12 даги 57 ракамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишида сўнгги йилларда саноат тармоғининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Лекин шу билан биргаликда жаҳон давлатларининг ўзаро бири-бири билан иқтисодий зиддиятларга бориши, турли хил иқтисодий чекловларни қўллашлари натижасида саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш, уларнинг иқтисодий ўсиши ва иқтисодий фаолияти узлуксизлигини таъминлаш учун янги инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Корхоналарнинг узок муддатли самарали фаолият юритиши, улар фаолиятини барқарорлигини таъминлаш ва рақобатдошлигини ошириш асосан инвестиция фаолияти даражаси ва кўлами билан белгиланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра «2019 йилда иқтисодиётда саноат тармоғининг улуши АҚШда 18,6 фоиз, Японияда 29,1 фоиз, Германияда 26,7 фоиз, Туркияда 27,2 фоиз, Россияда 32,2 фоиз, Қозоғистонда эса бу кўрсаткич 33,0 фоизни ташкил этган»¹. Маълумки, саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш асосан, бозордаги инвестиция ресурсларининг қийматига, инвестиция қилинган маблағларнинг самарадорлигига, давлат томонидан бериладиган молиявий ва ҳуқуқий ёрдамга, шунингдек мамлакатдаги молия бозори ва молиявий воситачиларнинг фаолият самарадорлигига боғлиқ бўлади. Ушбу омиллар саноат тармоғининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш учун янги манбаларни қидириш, уларни шакллантириш ва фойдаланишнинг янада самарали механизмини ишлаб чиқиш ҳамда бу орқали корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш, унинг иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш, асосий фондларни янгилаш, инновацион технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари турларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Бироқ, жаҳонда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланган ҳолда молиялаштиришнинг аниқ бир самарали механизми ишлаб чиқилмаган, инвестицион муҳитнинг унга таъсири, молиялаштириш манбаларининг хусусиятлари ва талаблари, инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолашнинг усуллари ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда саноат тармоғи ривожланишининг мавжуд хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлардан фойдаланиш, корхоналарда инвестиция жараёнларини бошқариш сифатини яхшилаш ва ривожлаништиришда бир қатор муаммолар мавжуд. «Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай

¹ www.worldbank.org – Жаҳон банки маълумотлари

лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефт-газ, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда «яшил иқтисодиёт» билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз «драйверлари»га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд»². Дарҳақиқат ушбу саноат тармоқларида инвестицион фаолиятни ривожлантириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон, 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон, 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5989-сон Фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон ва 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4453-сон Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш, уларни бошқариш ва инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил ёндашувлар мавжуд. Ҳар қайси олим ва изланувчилар корхоналарни инвестицион фаолиятини молиялаштириш ва бошқаришга оид ўз ёндашув услуби ҳамда фикрига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Инвестициялар назарияси, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, корхоналар инвестиция

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

фаолиятининг стратегик жиҳатлари, уларнинг молиявий фаолияти жуда кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларини таркибий қисми бўлиб ҳисобланган. Таниқли хорижий олимлар Дж.Кейнс, П.Самуэлсон, А.Смит, З.Боди, А.Кане, А.Маркус, К.Макконнел, С.Брю, Ҳ.Уанг, П.Лианг, Б.Миҳаела, И.Бланк, Е.Дмитриева, И.Барабанова, В.Бочаров, Л.Игонина, А.Березняк, Э.Кузнецова, Е.Гудел, В.Ковалев асарларида³ юқоридаги масалалар ўз ифодасини топган.

Маҳаллий олимлардан Д.Ғозибеков, Н.Хайдаров, Н.Кўзиева, Н.Обламурадов, М.Пулатова, Д.Хўжамқулов, Б.Маматов, Н.Кенжаев, Г.Каримова, У.Айтмуратоваларнинг⁴ илмий ишларида инвестицияларнинг назарий асослари, корхоналарнинг инвестицион фаолияти, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни бошқариш каби масалалар ёритилган.

³ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: «Прогресс», 1978. — 1650 с. Samuelson P.A., Nordhaus W.D. Economics. – NY.: «McGraw-Hill Education» & «Irwin», 2010. – 420 p. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: «Эксмо», 2016. – 1056 с. Bodie Z., Kane A., Marcus A. Investments. 10th edition. – NY.: «McGraw-Hill Education», 2014. – 30 p. McConnell C.R., Brue S.L. Economics: principles, problems, and policies. 17 th edition. – NY.: «McGraw-Hill Education» & «Irwin», 2008. – 820 p. Wang H., Liang P., Li H., Yang R. Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk // Procedia Computer Science 91 (2016) 122 – 130 p. Mihaela B.R. Statistical methods applied to the financial analysis of a publicly funded investment project // Procedia Economics and Finance. №10 (2014). Бланк И.А. Финансовая стратегия предприятия. Киев: Эльга, Ника-Центр, 2004. – 720 с. Дмитриева Е.В. Модернизация системы финансирования инвестиционной деятельности промышленных предприятия. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономический наук. – М.: Российская академия предпринимательства, 2015. – 46 с. Барабанова И.Ю. Механизмы и методы финансирования инвестиционных проектов предприятия // Вестник университета. – М.: 2013 – №4. 35-40 с. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник. – СПб: «Питер» 2009. – 18 с. Игонина Л.Л. Инвестиции. – М.: «Экономистъ», 2005. - 25 с. Березняк А.С. Создание привлекательного инвестиционного климата в промышленности для привлечения частных и иностранных инвесторов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата эконо-мических наук. – М.: Российский государственный социальный университет, 2005. – 28 с., Ковалев В.В. Управление финансами. – М.: «ФБК-ПРЕСС», 1998. – 156 с., Кузнецова Е.А., Винникова И.С. Оценка эффективности инвестиционных проектов предприятий промышленного сектора // Концепт. № 07 (2015). Гудель Ю.В. Управление инвестиционной деятельностью промышленных предприятий. Авто. дис. на соис. уче. степ. кан. экон. наук. – М.: Московского государственного университета печати. 2009. – 24 с.

⁴ Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Ўқув кўлланма. – Т.: «Молия», 2003. – 28 б., Хайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2003., Кўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. 2008. – 41 б., Обламурадов.Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. – Т.: «Фан ва технология», 2009. – 108 б., Пулатова М.Б. Саноат корхоналарининг ташки иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018. – 24 б., Хўжамқулов Д.Ю. Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалиги корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2006. – 28 б., Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш., Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-молия», 2014. – 610 б., Кенжаев Н.И. Инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТМИ, 2011. – 137 б., Каримова Г.А. Миллий иқтисодийта хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т.: ТМИ, 2019. – 153 б., Айтмуратова У.Ж. Корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишлари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т.: ТМИ, 2021. -127 б.

Юқоридаги номлари зикр этилган иқтисодчи-олимларнинг тадқиқотларида корхоналарда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг баъзи жиҳатлари тадқиқ этилган. Лекин шу билан бирга, тадқиқотлар саноат тармоғи корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш, молиявий ва инвестицион ресурсларга бўлган тақчиллик, молиялаштириш манбаларини излаб топиш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланишдаги муаммоларга бағишланган бўлишига ва уларнинг хулосалари ҳамда асослари кенг миқёсдаги иқтисодчи-тадқиқотчилар томонидан тан олинishiга қарамай, бу соҳадаги муаммоларга етарли даражада ечим топилмаган. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги эса тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради ва саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини тўлароқ ўрганишга сабаб бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг назарий асосларини илмий тадқиқ этиш;

саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш усуллари ва механизмларининг амалий аҳамиятини ўрганиш;

саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг илғор хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишга инвестицион муҳитнинг таъсирини илмий тадқиқ этиш;

саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларини таҳлил этиш;

саноат корхоналари инвестицион фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини такомиллаштиришнинг истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган саноат корхоналари инвестицион фаолияти («Ўзгўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналари) олинган.

Тадқиқотнинг предмети саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий ва молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни тизимли таҳлил қилиш,

иқтисодий-статистик ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш имкониятини ошириш мақсадида экспорт улуши камида 80% бўлган корхоналарга тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз тўловларини қоплашда давлат томонидан молиявий компенсация ажратиш тавсия этилган;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерларнинг қисқа муддатли инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан револьвер кредит линияларини тақдим этиш таклиф этилган;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг хомашёга бўлган талабини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига пахта хомашёсини етиштириш ва йиғиб олишни молиялаштириш учун валюта кредит линиялари жалб қилиниши зарурлиги асосланган;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг қимматли қоғозларини фонд бозорида бирламчи оммавий таклиф (IPO) асосида сотиш орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш шакл ва усулларидадан фойдаланилган ҳолда молиялаштириш механизми ишлаб чиқилган;

саноати корхоналари томонидан инвестицион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банкларининг паст фоизли кредит линияларидан фойдаланиш корхоналарнинг ўз маблағларидан фойдаланишга нисбатан хусусий капитал даромадлилиги коэффицентини (ROE) ошишига олиб келиши асосланган;

мамлакатдаги жорий инвестицион муҳит ҳолати ICOR (Incremental Capital Output Ratio) индекси орқали баҳоланиб, унга таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, хорижий давлатларнинг соҳага оид илғор тажрибасини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар статистик маълумотлари ҳамда ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва

тавсиялар саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва тавсиялар саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини ишлаб чиқишда, молиялаштириш усуллари ва шакллари кўллаш, саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш имкониятини ошириш мақсадида экспорт улуши камида 80% бўлган корхоналарга тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз тўловларини қоплашда давлат томонидан молиявий компенсация ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон Қарорида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги 04/16-1924-сон маълумотномаси). Натижада тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, айланма маблағларни тўлдириш мақсадида тижорат банклари томонидан миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдоридан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдори «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланган;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерларнинг қисқа муддатли инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан револьвер кредит линияларини тақдим этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989 сон Фармонида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги 04/16-1924-сон маълумотномаси). Натижада тижорат банклари томонидан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш, корхоналарда ишлаб чиқариш занжирининг узлуксизлигини таъминлаш ва янги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имконияти пайдо бўлди.

тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг хомашёга бўлган талабини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига пахта хомашёсини етиштириш ва йиғиб олишни молиялаштириш учун имтиёзли валюта кредит линиялари жалб қилиниши зарурлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон Қарорида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги 04/16-1924-сон маълумотномаси). Натижада тижорат банклари томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг хомашёга бўлган талабини узлуксизлигини таъминлаш, пахта хомашёсини етиштириш ва йиғиб олишни молиялаштириш имконияти пайдо бўлди.

тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг қимматли қоғозларини фонд бозорида бирламчи оммавий таклиф (IPO (initial public offering)) асосида сотиш орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги 04/16-1924-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида корхоналарининг жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз инвестицион фаолиятини молиялаштириш учун етарли маблағга эга бўлиши таъминланади, маблағ етишмовчилиги олди олинади, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган маблағлари ҳаракати таъминланади, бу эса фонд бозори орқали пул айланмаси ҳажмини ошишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 7 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола (шундан 3 та нуфузли хорижий журналларда), бошқа илмий нашрлар ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 11 та мақола ва тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 127 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари

белгилаб олинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг умумназарий асослари ва молиявий механизми» деб номланган биринчи бобда саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг назарий асослари тадқиқ этилган, саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш усуллари ва механизмлари ҳамда бу борадаги илғор хориж тажрибалари ўрганилган.

Маълумки, инвестиция фаолияти ҳар қандай тизимда ҳам мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганлик даражасини ифода этади.

Инвестициялар иқтисодий ривожланиш даражасига қараб мамлакатлардаги инвестиция муҳитига боғлиқ ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан «Инвестиция» тушунчасининг назарий жиҳатдан таҳлили долзарб ҳисобланади. Инвестицияларнинг мазмун-моҳияти сўнгги вақтларда нашр этилган иқтисодий адабиётларда⁵, химоя қилинган диссертация ишларида⁶ ва амалдаги қонунчиликда⁷ етарли даражада ўз ифодасини топганлиги учун биз бу тўғрисида батафсил тўхталиб ўтмасдан, умумий тасаввур ҳосил қилиш мақсадида тадқиқот натижасида шакллантирилган қуйидаги жадвални келтириб ўтамиз (1-жадвал).

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ва ўрганишларни ҳисобга олган ҳолда инвестицияларга қуйидагича муаллифлик таърифини бериб ўтдик: «Инвестициялар – бўш турган капитални иқтисодий-ижтимоий самара олиш мақсадида ҳаракатга келтиришдир». Ушбу таърифнинг муҳим томонларига эътибор берадиган бўлсак, унга мувоқиқ инвестициянинг инвестор томонидан ҳаракатсиз капитални фақат иқтисодий фойда олиш эмас, балки ижтимоий фойда олиш мақсадида ҳаракатга келтиришдир.

Саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш жараёнини тадқиқ қилиш илмий нуқтаи назардан шуни аниқлашга ёрдам бердики, самарали инвестиция воситаларига молиявий ресурсларни мақсадли инвестиция қилиш, корхоналар томонидан инвестицион фаолиятни молиялаштириш учун махсус инвестиция портфелини шакллантириш, саноат

⁵Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: «Эксмо», 2016. – 1056 с., McConnell C.R., Brue S.L. Economics: principles, problems, and policies. 17th edition. – NY.: «McGraw-Hill Education» & «Irwin», 2008. – 820 p., Игонина Л.Л. Инвестиции. – М.: «Экономистъ», 2005. – 25 с., Samuelson P.A., Nordhaus W.D. Economics. – NY.: «McGraw-Hill Education» & «Irwin», 2010. – 420 p., Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник. – СПб: «Питер», 2009. – 18 с., Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2003. – 28 б.

⁶ Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. – Т.: 2003., Қўзиёева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. 2008. – 41 б.

⁷Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ 598-сонли Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019-й., 03/19/598/4221-сон.

корхоналари ривожланишини таъминлайдиган инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмини ишлаб чиқишга инвестиция ресурслари ва уларнинг манбаларини самарали бошқариш орқали эришилади.

1-жадвал


Иқтисодий адабиётлар ва қонун ҳужжатларида инвестиция мазмунига оид қарашлар⁸

№	Муаллиф	«Инвестиция» атамасига берилган таъриф
1.	Смит А.	Инвестиция - амалий бойликларни қайта тақсимлаш ва ишлаб ишлаб чиқариш воситаларининг асосий ҳаракатлари
2.	Макконнел К.Р., Брю С.Л.	Инвестиция - ишлаб чиқариш харажатлари ва асосий воситаларни тўплаш ҳамда товар моддий захираларининг кўпайиши
3.	Иголина Л.Л.	Инвестиция - фойда олиш ёки бошқа фойдали самарага эришиш учун тадбиркорлик ёки бошқа фаолият объектларига капитални жойлаштириш
4.	Самуэлсон П.А., Нордхаус В.Д.	Инвестиция - келажакда ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида бугунги кунда истеъмолни истисно қиладиган иқтисодий фаолият
5.	Бочаров В.В.	Инвестиция - бу капитални ҳар қандай тадбиркорликка, кейинчалик уни ривожлантириш, кўпайтириш мақсадида сармоя қилишдир
6.	Ғозибеков Д.	Инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишидан далолат беради
7.	Ҳайдаров Н.Х.	Инвестиция - бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашдир
8.	Кўзиева Н.Р.	Инвестициялар – бу давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлари, мулкий ва интеллектуал бойликлардир
9.	Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ 598-сонли Қонуни	Инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар

Бизнинг фикримизча, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг мазмуни, бир томондан, давлат, минтақавий тузилмалар, махсус фондлар, шу жумладан, инвестиция фондларини ўз ичига олган субъектлар, бошқа томондан, хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, ташкилотлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар) ўртасида ўзаро таъсир шаклидаги фаолият сифатида ифодаланиши мумкин.

⁸ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Саноат корхоналарида режалаштирилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёни муайян босқичларда амалга ошириш юқори самарадорликка эришишда муҳим ўрин тутди. Саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш жараёни босқичлари 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштириш жараёни босқичлари⁹

Фикримизча, саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга оширишда қуйидаги асосий мезонларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

инвестицион фаолиятни молиялаштириш учун инвестиция ресурсларини жалб қилиш усуллариининг танланиши;

инвестиция лойиҳаси алгоритми шакллантирилиши;

инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини баҳолаш ва танлаш методологияси;

саноат корхоналари инвестицион фаолиятининг ташкилий тузилмаси.


Шундай қилиб, саноат корхоналарида инвестицион жараённи рағбатлантириш ва инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимини тақдим этилган ушбу мезонлари саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, саноат корхоналари инвестицион фаолиятини ривожлантириш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва дастур доирасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда ушбу жараённи молиялаштирувчи инвестиция субъектларини жалб қилиш, жумладан, молия бозори иштирокчилари ва молиявий воситачилар

⁹ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

билан стратегик ҳамкорликни амалга ошириш механизмини яратиш муҳим саналади.

Диссертациянинг «Саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизми таҳлили» деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишга инвестицион муҳитнинг таъсири, инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари таҳлил қилинган ҳамда инвестицион фаолият самарадорлиги баҳоланган.

Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар хилма-хил ва турличадир. Мамлакатдаги инвестиция муҳитига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади ва уларнинг асосийлари 2-расмда кўрсатиб ўтилган.



2-расм. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар¹⁰

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш учун банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш бирламчи вазифа бўлиб ҳисобланади. Мамлакатдаги банк тизимининг барқарорлиги биринчи навбатда, тижорат банкларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Мамлакатимизда тижорат банклари кредитлаш фаолиятининг ривожланиши натижасида биргина 2020 йилда иқтисодиёт тармоқларига 276975 млрд. сўм кредитлар ажратилган, шундан 36,9 фоизи ёхуд 102162 млрд. сўми саноат тармоғига йўналтирилган (3-расм).

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнида тижорат банклари етарли капиталга эга ва молиявий барқарор бўлиши, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг хомашёга бўлган талабини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига пахта хомашёсини етиштириш ва йиғиб олишни молиялаштириш учун хорижий кредит линияларини жалб қилиниши ҳозирги кунда долзарб вазифалардандир. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан енгил саноат тармоғига 2019 йилда 1633,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ жалб қилинган бўлса, 2020 йилда бу рақам 2139,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

¹⁰ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



3-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар динамикаси (млрд.сўм)¹¹

Тадқиқотимиз давомида хорижий кредит линиялари маблағлари асосида тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғига йўналтирилган кредитлар миқдорини «Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБ мисолида таҳлил қилиб чиқдик (2-жадвал).

2-жадвал

«Агробанк» ва «Микрокредитбанк» АТБлар томонидан хорижий кредит линиялари маблағлари асосида саноат секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми (млн. АҚШ доллари)¹²

Кўрсаткичлар	«Агробанк» АТБ					«Микрокредитбанк» АТБ				
	2016	2017	2018	2019	2020	2016	2017	2018	2019	2020
Жами хорижий кредит линиялари маблағлари асосида ажратилган кредитлар ҳажми	4,6	3,4	45,5	170,2	142,0	4,5	6,3	25,0	228,9	369,2
Хорижий кредит линиялари маблағлари асосида енгил саноатга йўналтирилган кредитлар	4,6	3,4	45,5	170,2	142,0	1,0	4,2	10,8	110,5	185,6
Хорижий кредит линиялари маблағлари асосида тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғига йўналтирилган кредитлар	4,3	3,4	32,7	124,7	88,4	0,7	3,1	9,5	70,4	100,5

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2016-2018 йиллар давомида ушбу банklar томонидан хорижий кредит линиялари маблағлари асосида тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғига йўналтирилган кредитлар миқдори сезиларли даражада кам эканлигини кўришимиз мумкин. 2019-2020 йиллар давомида эса хорижий кредит линиялари маблағлари асосида

¹¹ www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

¹² «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» АТБларнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғига йўналтирилган кредитлар миқдори 2016-2018 йилларга нисбатан кескин ортган. Бу эса тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг хомашёга бўлган талаби узлуксизлигини таъминлаш, пахта хомашёсини етиштириш ва йиғиб олишни молиялаштириш учун хорижий кредит линияларига бўлган талабни ошгани билан изоҳланади.

3-жадвал асосида охириги беш йил тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари томонидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг таркибида ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳажми, 2016 йилда 25,1 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2020 йилда 136,9 млн. АҚШ долларни ташкил этган ҳолда 5,5 баробарга ошган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори ҳам йилдан йилга ортаётганини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3-жадвал

«Ўзтўқимачилик» уюшмаси корхоналарида жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажми (млн.АҚШ доллари)¹³

№	Манба	Йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
1	Ўз маблағлари	25,1	103,9	274,5	291,0	136,4
2	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	35,2	133,0	13,5	169,3	103,3
3	Тижорат банк кредитлари	85,1	23,8	262,8	372,0	234,4
4	Бошқа молиялаштириш манбалари	-	-	-	-	-
	Жами	145,4	260,7	550,7	832,3	474,1

«Ўзтўқимачилик» уюшмаси корхоналари томонидан жами ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2020 йилда 103,3 млн. АҚШ долл.ни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 2,9 баробарга ортган. Тижорат банк кредитларини «Ўзтўқимачилик» уюшмаси корхоналари инвестицион фаолиятига жалб этиш ҳолати ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, тармоқ корхоналарига банк кредитларини жалб қилиш салмоғи 2020 йилда 2016 йилга нисбатан салкам 2,7 баробарга ортганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга «Ўзтўқимачилик» уюшмаси корхоналарида жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 358,3 млн. АҚШ долларига камайганлигини қайд этиш мумкин. Ушбу ҳолатни 2020 йилда бошланган COVID-19 пандемияси сабабли вужуд келган чекловлар, тижорат банклари кредит ресурсларидаги тақчиллик ва корхоналарда ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳажмининг пасайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, уюшма таркибига кирувчи корхоналар томонидан ўзлаштирилган инвестициялар таркибида асосан юқорида таъкидлаб ўтилган молиялаштириш манбаларидан фойдаланаётганини кўришимиз мумкин. Молиялаштиришнинг бошқа манбалари, жумладан, жалб қилинган маблағлар

¹³ «Ўзтўқимачилик» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

ёки ноанъанавий молиялаштириш манбаларидан тармоқ корхоналарида фойдаланилмаётганлиги ижобий ҳолат ҳисобланмайди.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар таркибида янги кредит турларининг пайдо бўлиши, саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштириш борасидаги эҳтиёжларни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жумладан, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерларига айланма маблағларни тўлдириш учун револьвер кредит линияларини тақдим натижасида тижорат банклари томонидан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш, корхоналарда ишлаб чиқариш занжирининг узлуксизлигини таъминлаш ва янги лойиҳаларни молиялаштириш имконияти юзага келди. Жумладан, «Агробанк» АТБ томонидан саноат корхоналарига йўналтирилган револьвер кредитлар миқдори 2020 йилда 21,0 млрд. сўмни ташкил этган¹⁴. Ушбу кредитларнинг барчаси тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи корхоналарининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилган. Револьвер кредитларни тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи корхоналарига ажратилиши, энг аввало, ушбу тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлашга ёрдам беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тўқимачилик корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалар орасида жалб қилинган, айнан қимматли қоғозлар эмиссияси орқали маблағлар жалб этилмайди. Шу сабабдан, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг қимматли қоғозларини фонд бозорида бирламчи оммавий таклиф (IPO) асосида сотиш орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш таклифи берилган. Натижада тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз инвестицион фаолиятини молиялаштириш учун етарли маблағга эга бўлиши таъминланади.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар таркибида экспортнинг юқори улушига эга бўлган корхоналарда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлашда давлат томонидан молиявий компенсация ажратиш таклиф этилган бўлиб, ушбу таклиф натижасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, айланма маблағларни тўлдириш мақсадида тижорат банклари томонидан миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдорида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдори «Гадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади. Жумладан, 2020 йил давомида 497,2 млрд.сўм миқдоридаги сумма тўқимачилик ва тикув-трикотаж

¹⁴ «Агробанк» АТБ маълумотлари

саноати корхоналари томонидан олинган тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини компенсация қилишга йўналтирилди. Йўналтирилган ушбу сумма миқдоридаги маблағ тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари ихтиёрида қолди. Натижада корхоналар ихтиёрида қолган ушбу маблағларни ўз инвестицион фаолиятини молиялаштиришга йўналтириш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги вақтда кўплаб саноат корхоналари инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашда Дюпонт моделидан фойдаланмоқда. Ушбу моделдан фойдаланган ҳолда тадқиқот ишимизда «Такро» МЧЖнинг инвестицион фаолияти самардорлиги баҳоланди.

Дюпонт моделига мувофиқ «Такро» МЧЖнинг инвестицион фаолияти самардорлик кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда, корхонанинг активлари самардорлигини (ROA) аниқлайдиган бўлсак, корхонанинг активларни фойдага айлантириш қобилияти сўнгги уч йилда мос равишда 0,01, 0,06 ва 0,01 эканлигини кўришимиз мумкин (4-жадвал). Бу саноат корхоналарининг инвестиция фаолияти самардорлигини қиёслаш учун жуда фойдали нисбат ҳисобланади. Саноат тармоғидаги корхоналар инвестицион фаолияти самардорлиги билан солиштирганда юқоридаги рақамлар «Такро» МЧЖ учун паст эканлигини қайд этиш мумкин. Бу корхонанинг активларига нисбатан етарлича фойда ололмаётганлиги билан изоҳланади. Агар корхона активлари етарлича самара (соф) бермаса, яъни ROA кўрсаткичи юқори бўлмаса, корхонанинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги асосий манбаи бўлган ўз маблағларининг камайиши кузатилиши ҳамда корхонанинг келажакда инвестицион лойиҳаларни маблағ билан таъминлашдаги фаолиятида салбий ҳолатга дуч келиши мумкин.

4-жадвал

«Такро» МЧЖнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили¹⁵

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
ROE	0,03	0,06	0,02	0,25	0,02
ROA	0,02	0,02	0,01	0,06	0,01
ROS	0,03	0,09	0,04	0,1	0,02

Корхонанинг хусусий капитали даромадлилиги кўрсаткичи (ROE) сўнгги уч йилда мос равишда 0,02, 0,25 ва 0,02 эканлигини 4-жадвалдан кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор беришимиз керак, сабаби юқоридаги рақамлар инвесторлар учун энг муҳим нисбатлардан бири ҳисобланади. ROE кўрсаткичи орқали инвестор томонидан йўналтирилган ҳар бир сўм лойиҳа қанча миқдорда соф фойда келтираётганлигини аниқлаш имконини беради.

Самардорлик кўрсаткичларидан яна бири сотувлар даромадлилиги (ROS) кўрсаткичидир. Юқоридаги жадвалдан ROS кўрсаткичини сўнгги уч йилда мос равишда 0,04, 0,01 ва 0,02 тенг эканлигини ва ҳар бир сўм сотиш

